

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 17 август • № 33 (1210)

Қарор ва ижро

ШИФОКОРЛАР МАҲОРАТИ ВА ОНАЛИК МЕҲРИНИНГ ИФОДАСИ...

Бу оламда онадек меҳрибон, куюнчак ва жонкуяр зот бўлмаса керак. Оналар қалбига шундай гаройиб ва беқиёс меҳр-муҳаббат уруғи жойланганки, бунинг таърифига тил ожиз. Она учун энг оғир дард – боласининг дард чекиши, энг катта иқбол – фарзандининг бахти, ҳаётидаги чексиз куюнч эса ўглию кизининг шодлигидир. У фарзанди учун жонини беришга ҳам тайёр...



Она жигарининг бир бўлагини ўз фарзандига берди...

Хабарингиз бор, бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги "Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 859-сонли Қарори асосида Республика шошилини тиббий ёрдам илмий марказида буйрак трансплантацияси ҳамда Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида буйрак ва жигар бўлагини кўчириб ўтказиш операциялари амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, бундай юкоритехнологик жароҳлик амалиётлари АҚШ, Россия, Германия, Норвегия, Швейцария ва Ҳиндистон каби тиббиёт ривожланган давлатларда бажарилади. Этирофлиси, бугун Ўзбекистон ҳам улар қаторидан жой олди.

2018 йилнинг февраль ойида Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик Феруз Назиров ва Россиянинг академики Валерий Шумаков номли Трансплантология ва сунъий

аъзолар Миллий тиббий тадқиқот маркази директори, академик Сергей Готье раҳбарлигида тиббиётимиз тарихида биринчи марта беморга тирик донор қариндошдан жигар бўлагини кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилганди. Узоқ йиллардан буён жигар циррози хасталигидан азият чекиб келган 26

ёшли паркентлик Убайдулла Дадаҳўжаевга унинг акаси Ҳаётулла Дадаҳўжаевнинг донорлигида жигар бўлаги трансплантация қилинган эди.

Орадан кўп ўтмай, яъни жорий йилнинг 14 август кунини ушбу амалиёт яна амалга оширилди. Яъни мамлакатимиз тиб-

биётда иккинчи мартаба жигар бўлагини кўчириб ўтказиш операцияси муваффақиятли бажарилди. Қашқадарёлик 19 ёшли бемор Кувончбек Зарипова 2 йил олдин жигар циррози ташхиси қўйилиб, бугунги

(Давоми 2-бетда).

ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ АХБОРОТ БЕРДИ

Бугунги кунда сайёраимизда 2 миллиард инсон темир моддаси ва А витамини каби одам организми учун ўта зарур бўлган органик микроэлементларни талаб даражасида истеъмол қилмайди. Шу тўғрисида аксарият болаларнинг ўсиши ҳамда ривожланиши ортада қолмоқда. Буларнинг асосий сабаби соғлом овқатланиш ва турмуш тарзидаги камчиликлардир.

Парламент қўйи палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б. Юсупалиевнинг ахборотини эшитди. Унда аҳолининг соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш масалалари ҳақида маълумот берилди. Таъкидланганидек, носоғлом овқатланиш ва носоғ-

лом турмуш тарзи юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет, саратон ҳамда бошқа сурункали хасталикларга олиб келмоқда. Бу эса, аҳолининг яхши яшашига ва сийҳат-саломатлигига салбий таъсир қилмоқда. Биргина кенг тарқалган камқонлик анемиясининг ўзи жиддий эътибор қаратиш лозим бўлган муаммолар сирасига кирди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунёдаги 1,62 миллиарддан ортиқ инсон темир

танқислиги анемиясига чалинган. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тўғри овқатланишини ташкил этиш борасида муҳим ҳуқуқий ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплекси ижросини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида тўлақонли ва хавфсиз овқатланишни ташкил этишининг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига гигиеник талаблар, сўт ва сўт маҳсулотларига (сўт,

қаймоқ, творог, пишлок, сметана, кефир, қатик) давлат стандартлари ишлаб чиқилди. Бунда тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшилаётган шакар, туз, тўйинган ва трансжир кислоталар ва қўшимчаларни хавфсиз миқдорда меъёрлаштириш кўзда тутилган.

Вазир ўринбосарининг таъкидлашича, қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, бу борадаги муаммолар тўла бартараф этилди, деб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини текшириш мақсадида 2017 йилда ўтказилган лаборатория таҳлиллари кўра, санитария-гигиена лабораторияларида 265 минг 332 та озиқ-овқат маҳсулоти намуналари текширилганда, уларнинг 9 минг 302 таси меъёр талаблари-

га жавоб бермаслиги аниқланган. Биргина шу фактларнинг ўзи ушбу соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп эканини кўрсатади. Эшитувда қайд этилганидек, соғлом овқатланиш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва рационал овқатланишини таъминлаш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий механизмларга доир чора-тадбирлар режаси лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда қилиниши лозим бўлган ўта долзарб вазифалар аниқ белгилаб олинган.

Йигилиш якунида тегишли қарор қабул қилиниб, тақлифлар тайёрлашга келишиб олинди.
Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА.

Қарор ва ижро

ШИФОКОРЛАР МАҲОРАТИ ВА
ОНАЛИК МЕҲРИНИНГ ИФОДАСИ...

кунгача у бир неча тиббий текширувлардан ўтиб келган. Шифокорлар томонидан яқин қариндошлари орасидан жигар бўлагини кўчириб ўтказиш операцияси тавсия қилиниб, унга 41 ёшли онаси Садоқат Раҳмонова донорлик қилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур операция муваффақиятли ўтказилиб, донор ва беморнинг саломатлиги асраб қолинди.

Мураккаб, юкоритехнологик операция жараёнини кузатар эканмиз, унда ҳар бир мутахассис қизгин иш олиб бормоқда. Соҳа ходимлари боланинг ҳам, онанинг ҳам саломатлигини асрашдаги масъулиятни ҳар қачонгидан кўра икки қара кўпроқ ҳис қилиб, барчасини меъёридагидек бажаришмоқда. Жаррохлик амалиёти муваффақиятли ўтказган шифокорларнинг фикрлари билан қизиқдик...

ни сезмай юрган эканмиз, ўзининг асоратини кўрсатди. Шундан сўнг дарҳол Тошкент тиббиёт академиясига олиб бориб, тиббий текширувлардан ўтказдик. Улар жигар циррози ташхисини қўйишди. Икки йил давомида шифокорлар даво муолажаларини қилиб юришди. Лекин буларнинг бари вақтинча эди. Ягона йўл – жигар трансплантациясини амалга ошириш эди. Мутахассислар шунда мамлакатимизда ушбу амалиётга рухсат йўқлиги, бунинг учун хорижий давлатларга боришимизни айтишди. Аммо бунга "қўлимиз қалталик қиларди". Орадан кўп ўтмай, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу жаррохлик амалиётларини ўтказишга рухсат берилиб, ўзимизда ҳам бажарилаётганини эшитдик. Тўғриси, бунинг эшитиб кўзимдан ёш чиқди. Ўзимни қўйишга жой топа олмадим. Сўнг Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази-

риёдимнинг, ҳам турмуш ўртоғимнинг ҳаётини сақлаб ўн соат давомида тик оёқда туриб, оиламга қувонч бахш этган академик Феруз Назировга ҳамда улар ёнида камарбаста бўлиб, астойдил хизмат қилган шифокорлар жамоасига ўз ташаккуримни билдираман.

Операция муваффақиятли ўтди. Журналист бўлганимиз учунми ёки инсонийлик туйғуларимиз тинчлик бермаганиданми уларнинг аҳоли билан қизиқдик. Орадан бир кун ўтиб 16 август куни Марказ томон йўл олдик. Донорга ҳам, беморга ҳам алоҳида шифокор ва ҳамшира бириктирилган, улар саломатлиги назоратга олинганлигининг гувоҳи бўлдик. Қувончбедагина ҳам маънода исмига монанд ҳолат кузатилади, унинг кўзларида қувонч, шодлиқни кўриш қийин эмас эди. Шифокорлар беморнинг ҳаракатлинишида жонбозлик кўрсатишмоқда. Йўқ,



Ўғлимнинг кўзидаги қувончни кўриб, мамнун бўлдим. Бу дунёда она учун фарзандини соғлом, доим қулиб юришини кўришдан ортқ бахт йўқ, менимча. Барча хавф ортда қолган рост бўлсин. Ана шундай имконият яратиб берганлари учун Юртбошимизга ҳамда барча шифокорлар-у ҳамшираларга

ортирилди. Шу боис, иккинчи операция 10 соат давомида бажарилди. Бемор Қувончбекка жигар циррози ташхисини қўйилган бўлиб, унда қизилуғачдан қон кетиб, қоринда сув йиғилган, умумий аҳвол оғирлашиши ҳисобига анемиянинг оғир даражаси келиб чиққан. Шунга қарамай, пухта тайёргар-



ўз ташаккуримни айтишдан асло чарчамайман.

Юрак трансплантациясидан ҳам мураккаб ҳисобланган жигар бўлагини кўчириб ўтказиш операцияси бугун Ўзбекистон тиббиёти тарихида иккинчи мартаба амалга оширилди, – дейди Марказнинг жигар ва ўт йўллари бўлими бош илмий ходими, Республика бош хирург Миршавкат Ақбаров. – Маълумки, олти ой олдин россиялик академиклар бошчилигидаги жамоа билан биргаликда академик Феруз Назиров раҳбарлигидаги мутахассислар донордан жигар бўлагини беморга муваффақиятли кўчириб ўтказишга эди. Айтиб ўтиш зарур, бу жараён 15 соат давом этганди. Бугунги кунгача бу борада билим ва тажрибани янада бойитиш, замонавий услубларни ўзлаштириш, ҳақон андозаларини ўрганиш борасида ҳам илмий, ҳам амалий излашлар олиб бордик. Айтмоқчиманки, малака алмашилди, тажриба

лик қўрилди. Қолаверса, онаси, яъни донор саломатлиги ҳам текширувдан ўтказилди. Чунки организм бир-бирига мос турарди. Яқин қариндошлари орасидан жигар, иммунитет соҳаси, қон гуруҳлари боғлиқлиги эътиборга олинди донор танланади. Одатда бундай операциялардан сўнг бемор узоқ вақт мобайнида сунъий нафас олиш системасидан нафас олади. Аммо бу галги жаррохлик амалиёти муваффақиятли ўтказилдики, орадан бир кун ўтиб нафақат донор, балки беморнинг ўзи ҳам сунъий нафас олиш системасидан ажратилди. У ўзи мустакил равишда бемалол нафас олиши билан бирга, ўрнидан туриб, секин-аста ҳаракатланмоқда. Уртача ҳисобда 2-3 ҳафтадан сўнг уйига жавоб берилган ҳам ойда бир мартаба марказимизда чуқурлаштирилган тиббий қўриқлардан ўтиб туришади.

Хулоса ўрнида

Дарҳақиқат, 10 соат мобайнида амалга оширилган мазкур операцияни олашмулм воқеа, деб аташқ янглишмайми. Сабоби, маҳоратли шифокорларимизнинг машаққатли меҳнати туйғайли яна бир оилага шодлик ҳада қилинди. Яна бир бемор соғлом ҳаётга қайтарилди. Донор онанинг жигарбандига ўз тана аъзосининг бир бўлаги, хусусан, жигарининг ўнг бўлагини кўчириб ўтказиш жаррохлик амалиёти муваффақиятли бажарилди. Бунда шифокорларимизнинг машаққатли меҳнати алоҳида эътирофга моликдир, албатта. Қолаверса, бу жараёни яна бир илҳойи туйғу билан боғламоқчимиз. Яъни она меҳри... Мақоламизнинг кириш қисмида она тимсолини бежиз тасвирламадик. Зеро, она меҳри бор эканки, одамзот насл-насаби заволга юз тутмайди, беминнат меҳр паноҳида яйраб-вшинайди. Шу туйғу туйғайли гўдақлар бир парча эт ҳолидан қадди расо инсонга айланади. Мухтасар қилиб айтганда, ушбу юкоритехнологик операция давомида мунис оналарнинг фарзанди учун жонини беришга тайёр эканлиги яна бир бор амин бўлдик.

Жонибек МАЪРУПОВ.
Муаллиф олган суратлар.

Феруз НАЗИРОВ,

Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик:

– Маълумки, трансплантация – беморга ўзининг жабрланган ва ҳаёт учун муҳим фаолиятини бажаролмасдан, унинг соғлиғига қайтариб бўлмайдиган асоратларга олиб келаётган буйрак ва (ёки) жигар бўлаги ўрнига тирик яқин қариндошлари орасидан соғлом буйрак ва (ёки) жигар бўлагини кўчириб ўтказиш мақсадида бажариладиган оператив амалиёт ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу фаолиятга Ҳукуматимизнинг 2017 йил 23 октябрдаги "Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 859-сонли Қарори асосида рухсат берилиб, тартибга солинган. Бугунги кунгача марказимизда 120 та буйрак кўчириб ўтказиш трансплантациясини бажардик. Битта ҳам асорат ёки ўлим ҳолатлари кузатилмади. Таъкидлаш лозимки, амалиётга катта тайёргарлик қўрилиб, марказда бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилди. Мутахассисларимиз АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Швейцария ва Россия каби давлатларда айна шу йўналиш бўйича малака ошириб қайтишди. Айтиш жоизки, жигар циррози билан оғирган бемор ҳаётини сақлаб қолишнинг ягона йўли ҳам трансплантация амалиётини ўтказишдир. Яна бир жиҳат, мазкур йўналиш, яъни жигар бўлагини кўчириб ўтказиш нафақат марказимиз, балки юртимизда иккинчи бор амалга оширилмоқда. Дунёда энг юкоритехнологик, энг оғир операция ҳисобланган ушбу амалиёт 6 ой олдин, яъни жорий йилнинг февраль ойида ака-ука Дадаҳужаевларда бажарилган эди. Кўни кеча россиялик мутахассислар иштирокида уларни чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказдик. Хозирда саломатлиги яхши, ҳеч қандай шикоят йўқ. Бугун эса 19 ёшли бемор Қувончбекка 41 ёшли онаси жигарининг ўнг томони фарзандига кўчириб ўтказилди. Бу каби юкоритехнологик операцияларнинг ўтказилиши, аввало, давлатимиз раҳбарининг тиббиётга бераётган эътиборининг ижобий самараси, десам муволажа бўлмайди. Оғир ва мураккаб ҳисобланган мазкур жаррохлик амалиётининг мамлакатимизда бажарилаётгани тиббиёт, айниса, хирургиямизнинг энг ривожланган давлатлар билан бир қаторда эканлигини намойён этади.


Қувончбек энди бемор эмас, аксинча, қахрамон. У мураккаб операциядан сўнг оёқда туриш учун ўзида куч йиға олмақда. Онаси Садоқатхон Раҳмонова ҳам ўзини яхши ҳис қилмоқда. Шу кунини яна бу бола операциядан сўнг бир-бирини илк бор кўришди. Бу жараёни кузатар эканмиз, жуда таъсирландик. Фарзандининг тик оёқда юриши, соғлом эканлигини ўз кўзи билан кўрган онанинг меҳри жўшиб, юзида табассум югурди...

– Хозирда ўзимни анча енгил ҳис қилмоқдаман, – дейди Қувончбек. – Биласизми, мен бугун бахтли ва соғлом болалар қаторига қўшилдим. Энди ҳеч қимдан кам эмасман. Менга соғлом ҳаётни қайтариб берган онажоним ва ноёб касб эгалари – хирурглардан ҳексиз хурсандман. Улардаги самимийлик, меҳр, касбига шижоати ҳаётга бўлган ишתיқимини янада оширди. Барчаси учун катта раҳмат.

– Сўнгги пайтларда ўғлимнинг аҳоли оғирлашиб, худдики кўз олдимда сўлиб бораётгандек туйиларди, – дейди донор она Садоқат Раҳмонова. – Шунда турмуш ўртоғим ҳам, мен ҳам донорлик қилишга қарор қилдик. Мутахассислар томонидан жигарининг ўнг бўлагини фарзандимга кўчириб ўтказишди. Шукрлар бўлсинки, операция муваффақиятли бажарилди.



Фарзанднинг сунган тоғи – ота. У туйғайли бола ёши улгайса-да, ўзини хотиржам ва теглик ҳис қилади. Падалари бузрукворининг ёрдамига, маслаҳат-у насиҳатига сўянади. Ўз ўрнида ота ҳам зурриёди учун жонини беришга тайёр бўлади. Қувончбекнинг отаси Элдор Тўраев ана шундай ўз кечинмалари билан ўртоқлашди...



– Икки нафар фарзандим бор, – дейди Элдор Тўраев. – Уларнинг иккови ҳам ўғил. 2 йил аввал кенжа ўғлим Қувончбек оғир аҳволга тушиб қолди. Шунда бизни қўрқув ва хавотир қулғаб олди. Ундаги касаллик-

га келиб, соҳа ходимлари билан маслаҳатлашдик. Шифокорлар дардимизга шерик бўлиб, астойдил ёрдам беришди. Ўғлимга жигарининг бир бўлагини беришга қарор қилиб, текширувлардан ўтдим. Афсуски, натижалар бунга йўл қўймади. Шунда турмуш ўртоғим донор бўлишга қарор қилди. Ахир, ўзингиз айтинг, ота-она учун фарзандининг қулиб, шодон ва соғлом юришини кўришдан ортқ бахт борми? Шифокорлар ўғлим ва онасини обдон текшириб, операцияга тайёрлашди. Яратганга шукрлар бўлсинки, уларнинг иккови ҳам жаррохлик амалиётидан омон чиқишди. Аввало, ана шундай шартлошни яратиб берганлари учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга, қолаверса, ҳам зур-

(Давоми. Боши
1-бетда).

Фан уфқлари

Наманган вилояти

ТУМАН ШАРОИТИДА МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ

Янгиқўрғонда диёримиз туманлари бўлгани каби биринчи бўлиб юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди.

Айни кунларда вилоятимиз соғлиқни сақлаш ходимларининг фаолияти Янгиқўрғон туманига кўчган, десак асло муволаффа бўлмайди. Бутун ҳудуд бўйлаб соғломлаштириш жараёнлари борапти. Кеча эрталабданок туман марказидаги бош майдон узра мамлакатимиз давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги олдидан ижтимоий, маънавий, маданий тадбирлар ўтказилди. Унда иштирок этган тиббиёт ходимлари туман аҳлига беҳимнат тиббий хизмат кўрсатди. Ҳақиқатда Ҳақиқатда мутахассислик йўналишида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилди. Юзлаб фуқаролар ультратовуш текшируви ва ЭКГ воситасида саломатликларини шифокор назоратидан ўтказдилар. Кўчма флюорографик аппаратлардан ўтганлар ҳам кўпчилигини ташкил этди. Саломатлик ҳақидаги тарғибот чоғида ҳақили кассалликлардан сақланиш ва тўғри овқатланиш каби қатор мавзуларга эътибор қаратилди. Мухтож кишиларга эса ногиронлик аравачалари тарқатилди. Ижтимоий дорихона хизматидан баҳраманд бўлганлар ҳам оз эмас.

Энг ҳайратланарли воқеалар эса туман марказий шифохонасида кечди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят кардиология маркази ва Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий марказининг таниқли шифокорлари томонидан тўртта энг юқори технологик жарроҳлик операцияси муваффақиятли амалга оширилди.

Шохилинч тиббий ёрдам бўлимида яқунланган жарроҳлик амалиёти ҳозирга қадар республика миёндаги ҳеч бир туманда бажарилмаган эди. Вилоят кардиология марказидан келган тиббиёт фанлари номзоди Нуриддин Баҳриддинов ва марказ кардиология бўлими муdiri Абдусалом Ҳўжамбердиевлар беш ёшли Абдулло Маҳмуджоновнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Юрак туман нуқсонини билан дунёга келган бемор болада очик артериал томирни боғлаш жарроҳлик амалиёти сифати бажарилди.

– Бугун тушумга ҳам кирмаган иш бўлди. Имкониятими йўқлигидан ўғлимни даволатишга чора топа олмаётган эдим. Давлатимизга минг раҳмат. Қолаверса, фарзандимни безовта қилаётган оғир дарддан халос қилган шифокорларга тасан-

нолар айтаман, – дейди Абдуллонинг онаси Дилбархон Аҳмаджонова.

Шуниси эътиборга молиқки, операция жараёнлари нафақат маҳаллий шифокорларга, барча туманлардан келган кардиологлар ва жарроҳларга “Маҳорат дарси” сифатида онлайн тарзда кўрсатиб борилди. Таниқли жарроҳ Толибжон Мамадумаров мутахассисларга амалиётнинг нозик ва мураккаб жиҳатлари ҳақида тушунча бериб турди. Шу ёрда энг замонавий лапароскопик аппарат ёрдамида тигисиз операция ҳам амалга оширилди. Наврўзобод маҳалласида яшовчи Жамила Қодировога сурункали тош холецисти касаллиги азоб берар эди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан касаллик бартараф этилди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази жарроҳлик бўлими муdiri Фовсиддин Мамадалиев ҳамкасблари билан лапароскопик холецистит-эктомия амалиётини ўта сифатли бажаришга эришди.

Эндоскопик амалиётлар ҳам гоёта самарали ва сифатли олиб берилди. Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали мутахассиси томонидан фиброгастроскоп воситасида бемор оғиз бўшлиғи орқали умумий ўт йўлига кирилиб, ҳосил бўлган тошни санокли дақиқалар



да олиб ташланиши шифокор маҳоратининг юксаклигини, даволаш технологиясининг гоёта юқори эканлигини далиллади.

– Тўрттала мураккаб операцияни ҳам бевосита кузатиб бордим ва жуда ҳам муҳим янгиликлардан воқиф бўлдим, – дейди Чортоқ тумани тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими муdiri Нуриддин Низомиддинов. – Кичик инвазив жарроҳлик амалиётларини туман шифохоналарида ҳам ўтказиладиган фурсат келди. Тиббиётимиз жадвал тараққий этаётган бир дав-

рда бугун Янгиқўрғон туманида ташкилланган жарроҳлик амалиётларини туманларда ҳам татбиқ этилиши халқ саломатлигини муҳофаза этиш ишларини янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

Чиндан ҳам Янгиқўрғонда олиб борилган юқори технологияли мураккаб амалиётлар тиббиётимиз янада раванқ топаётганлигини, халқ бахту саодати йўлидаги хайрли ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Саломатлик мактаби

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА КАМАРБАСТАМИЗ

Ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўрганиш, муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган Республика ишчи гуруҳи айни кунларда Янгиқўрғон туманида фаолият олиб бормоқда. Уларга бириктирилган турли соҳа вакиллари орасида тиббиёт ходимлари ҳам бор.

“Сутлибулоқ” маҳалласида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 95 ёшли Қўчқорбой ота Жайлонов кишлоқнинг ёши улугларидан. Яқинда отахон хонадонига қутилмаган меҳмонлар ташриф буюришди. Янгиқўрғон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси бир гуруҳ шифокорлари қарияни ва унинг оиласи аъзолари саломатлигини обдон текшириб кўришди. Қариянинг соғлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан маслаҳатлар берилди.

Навкентдаги 56-қишлоқ оилавий поликлиникаси бугун ҳар қачонгидан гавжум. Бир-

ламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасида бир ҳафтадан буён чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилмоқда. Маҳаллий шифокорлар вилоят ва қўшни туманлардан келган ҳамкасблари билан ҳамкорликда барча маҳаллаларда яшовчи кексаю ёшни қабул қилишяпти. Тадбир самарали ўтиши учун зарур шароитлар яратиб қўйилган. Ультратовуш текшируви, ЭКГ ва бошқа замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини узлуқсиз ишлаб турибди.

– Эл соғлигини янада мустаҳкамлаш масаласига устувор аҳамият қаратаётганлигидан гоёта мамнунмиз. Қаранг, қанча-

дан-қанча шифокор ва мутахассислар ҳузуримизга келишган. Яратилган имкониятдан самарали фойдаланиб қолиш учун одамлар кишлоқ оилавий поликлиникасига ошиқишяпти. Мен ҳам оиламиздаги келину набираларим билан тиббий кўриқдан ўтдим, – дейди Людмила опа Маллабоева.

Бу каби дил изҳорларини кўпчиликдан эшитдик. Дарвоқе, бугун тумандаги 71 маҳалла фуқаролар йиғини бўйлаб кенг қамровли иш олилави боришмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасида тиббий фаолиятни мувофиқлаштириб турган махсус штабдан маълум қилишларича, 17 та тиббий бригада шакллантирилган. Минг нафардан зиёд энг маалаки шифокор ва тажрибали патронаж ҳамширалари мазкур хайрли ишга сафарбар этилган. Уларнинг кучи билан ҳар кун беш минг нафардан



зиёд аҳоли вакиллари тиббий кўриқдан ўтказилапти. Уйда ётиб қолган беморлар хонадонларига алоҳида шифокорлар

гуруҳи жўнатиляпти. Тиббиёт соҳасига оид муаммолар ўрганилиб, жойида ҳал этилмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК ОҒУШИДА

Янгиқўрғон туманидаги “Юксалиш” маҳалласида яшовчи саксон ёшли Ўрмонжон ота Жўрабевнинг орзуси ушалди. Энди у довлис ва кўчага чиқиш, ҳаракатланиш имкониятига эга бўлди. Оғир ҳасталик туфайли тушакка михланиб қолган қарияга туман тиббиёт бирлашмаси тиббий-ижтимоий хизмати ходимлари ногиронлар аравачасини тўхфа эдилар.

Маълумки, айни пайтда туманда Республика ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Маҳаллалар ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ўрганилиб, мавжуд муаммолар ўрнида бартараф этиляпти. Жумладан, мазкур хонадонга ташриф чоғида кекса инсон томонидан билдирилган илтимос зудлик билан ҳал этилди. Саломатлик посбонлари шу билан бирга беморга малакали тиббий хизмат кўрса-


тиб, уни дарддан ҳолос этиш чораларини кўришмоқда. Жўрабевлар хонадонига келган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Солиҳон Мўминонов отахон билан дилдан сўхбатлашди. Кекса авлод вакиллари хамиша ардоғида эканлигини таъкидлаб, Ўрмонбой отани безовта қилаётган касаллиқни самарали даволаш бўйича тегишли

кўрсатмалар берди. Меҳнат фахрийи кўрсатилган эътибор ва ғамҳўрлик учун давлатимизга миннатдорчилик билдириб, дуога қўл очди. Бу туманда олиб борилаётган кенг қамровли тиббий тадбирлардан бир лавҳа ҳолос. Ҳар кун юзлаб хонадонларга кирилиб, аввало нурунийларга, туғиш ёшдаги аёллар ва болаларнинг ҳолидан хабар олинмоқда. Айниқса, сурункали касалликларга дучор бўлган фуқаролар, ўзгалар қаровига муҳтож, шу жумладан ногиронларга меҳр ва мурувват кўрсатишмоқда. Уларнинг талабига кўра ногиронлик аравачалари, кўлтиқтаёқ ва эшитиш воситала-

ри берилляпти. Шунингдек, эҳтиёж сезаётган кам таъминланган юрдашларимизга даволаш ва саломатлигини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар тақдим этилмоқда.

– Бу жараён йил бошидан бери изчил давом эттирилмоқда, – дейди бошқарма бошлиғи Солиҳон Мўминонов. – Ҳозирга қадар 2,5 минг нафардан зиёд ногиронлиги бўлган кишиларга ногиронлар аравачаси, ортопедик маҳсулотлар ва эшитиш мосламалари берил тарқатилди. Яқин орада барча эҳтиёжмандларнинг талаби тўла қондирилади.

Саҳифа материалларини Абдулла ҒОЗИЕВ тайёрлади.



К 1038 – летию со дня рождения Абу Али ибн Сино Великий Абу Али Хусайн ибн Абдулла ибн Сино (Авиценна)

Великими учеными не рождаются, а становятся в процессе жизнедеятельности. По сути, каждый человек с рождения, наделен теми или иными великими талантами, но далеко не каждый обладает таким необычайно сильным характером, который двигает к достижению поставленных целей.

Абу Али Хусайн ибн Абдулла ибн Сино (Авиценна) принадлежит к числу величайших ученых средневековья, обладавших необычайно сильным характером и даже при неблагоприятных условиях средневековья сумевший обогатить мировую науку достижениями первостепенной важности.

Даже под воздействием разных жизненных обстоятельств, ибн Сино активно проявлял свои способности, не сломался. Какие бы голодные и холодные времена не пережил он, прежде всего, не терял силу духа, веру и стремление к познанию бытия. Почему? Потому что иначе он не мог. Только так Хусайн ибн Абдулла ибн Сино вырос в великого ученого.

Ученый не ради славы или денег творил и познавал материальный и духовный мир.

Крупнейший врач и мыслитель своего времени, он очень тонко чувствовал на уровне подсознания, как и в каком направлении движется мысль, потребности души и тела, что приводило его к величайшим научным, культурным, духовным открытиям.

Величайший ученый и в наши дни остается значимой фигурой, демонстрирующей способность человека к познанию и духовному росту.

Единым идеалом для всех врачей на нашей планете является плеяда ученых: Гиппократ, Гален и Авиценна. Гордый и непокорный интеллектуал Востока ибн Сино является идеалом для всех врачей Республики Узбекистан. Здесь уместно привести красивые слова врача Де Пур, который сказал: "Медицины не существовало до того, как Гиппократ создал ее, она была мертва до того, как Гален возродил ее, рассредоточена до того, как Разес (Аль-Рази) собрал ее, несовершенна до того, как Авиценна завершил ее".

Замечательному ученому своего времени еще при жизни были присвоены почетные титулы «Хакими бузург» («Великий исцелитель»), «Король медицины», «Отец медицины», в Хорезмской Академии Маъмуна его называли «Хаким аль-Вазир» («Князь врачей»), ученики называли Учителем. В Европе он был известен как Авиценна, его сравнивали с Галеном, и называли «Галеном Ислама», и называли «Галеном Ислама».

Трудолюбие ибн Сино было безграничным как в освоении знаний, так и в передаче их другим. Он оставил после себя огромное творческое наследие: согласно древним источникам, ему приписывают более 450 произведений размером от одного листа до 20 томов в 29 областях знаний, 23 написаны на персидском и фарси, а остальные на арабском – языке науки и литературы того времени. Многие из них навсегда утеряны, сохранилось и дошло до наших дней только 274.

Он обобщил научные достижения своего времени и развил их дальше в энциклопедических трудах по философии, логике, математике, астрономии,

физике, минералогии, правоведению, языкознанию, музыковедению. Но главный вклад в сокровищницу общечеловеческой культуры Хусайн ибн Сино внес своими трудами по медицине.

Он не только свел воедино накопленный до него опыт Гипократа, Галена, египетских, персидских и индийских врачей вателей в медицине, но и дополнил их своими ценными знаниями, результатами собственных исследований, блестящими открытиями и гипотезами в знаменитом «Китаб ал-Канун фи-т-тиб» («Канон врачебной науки»), который стал основным мануалом у многих поколений врачей Европы и Азии на протяжении многих веков. Согласно данным ЮНЕСКО, даже в эру «современной медицины» в Брюссельском университете труд Хусайна ибн Сино изучался до 1909 года.

В «Книге исцеления» (раздел «Анатомия») ученый представил тело человека полнее, чем это делал сам Гален. Интересны и другие медицинские труды: «О гигиене», «О сохранении здоровья», затрагивающие актуальные практические аспекты долголетия.

Тысячи врачей всего мира постигали премудрости медицины на таких фундаментальных работах, как «Лекарственные средства», «О сердечных средствах», «Лихорадки и опухоли», «Нервные болезни и параличи», «Удаление вреда от разных манипуляций посредством исправлений и предупреждений ошибок», «Трактат о пульсе», «Мероприятия для путешественников», «Кровеносные сосуды для кровопускания», «Трактат о циркории», «Трактат об укусомеде», «Поэма о медицине», «Афоризмы о медицине».

Великий гений своего времени, Хусайн ибн Абдулла ибн Сино стал человеком, сумевшим взглянуть за край мироздания и поспоривший с самой смертью, он мог диагностировать и излечить около 2000 различных недугов. Призывал своих учеников и врачей-вателей до конца исполнять свой долг, честно трудиться на благо народа.

Он был первым во многих вопросах медицины: указал на заболевания инфаркта миокарда, разработал целое учение о диагностике по пульсу, отделил оспу от кори, открыл, что туберкулез является заразной болезнью, предложил метод выравнивания костей, который и сегодня называется «Способ Авиценны», девятьсот лет до Беннета рассказал о том, что сейчас называется «переломом Беннета» (1892), применил диагностическую пальпацию печени, рекомендовал выслушивать грудью, выстукивать живот, различал звук «бурдючный» (тупой) и «барabanный» (тимпанический), на много предвосхитив методы аускультации Р. Лазанека и перкуссии Л. Аунбруггера, дал описание многих расстройств психики, указал, что существует тесная связь между здоровьем и психикой. Первым установил, что нервы обеспечивают подвижность мускулов и вызывают чувство боли, указал на важность проблемы диабета, предполо-

жил о невидимых существах, могущих вызывать лихорадочные заболевания и распространяться через воздух, воду и почву, утверждал, что внешне проявившаяся болезнь обязательно имеет внутренние причины, а симптомы свидетельствуют о действии собственных сил организма, проявляющих эти признаки, и искал способы их стимулирования к борьбе с недугом. Уделял внимание физическим упражнениям, называл их самым главным условием здоровья и на следующее место он поставил режим питания и сна, впервые сформулировал принципы медицины: «Лечить, прежде всего больного, а не болезнь», «Природа оздоравливает, а врач лечит», «Предупредить болезнь легче, чем ее лечить», писал, что основное в искусстве сохранения гармонии – это уравновешивание необходимых факторов: уравновешенность природы, выбор пищи, очистка от излишков, сохранение телосложения, улучшение того, что дышится через нос, уравновешенность физического и духовного движения, придумал различные хирургические инструменты.

Великий ученый также является изобретателем распространенного в Средней Азии смывкового инструмента – гиджака, основал обсерваторию в Исфахане и доказал подвижность апогея Солнца, применил оригинальный метод, который называется «принцип Нониуса» – по имени португальского ученого, заново открывшего этот метод только в XVI веке.

В связи с празднованием 1000-летия ученого энциклопедиста Абу Али Хусайн ибн Сино, по мусульманскому календарю, 28 апреля 1954 года в иранском городе Хамадане был поставлен памятник «Князю философов» Абу Али Хусайн ибн Сино (Авиценна), а 29 апреля 1954 года останки «наставника ученых» были перенесены в новый его мавзолей в центре города Хамадана, который был воздвигнут по решению Всемирного конгресса мира и был торжественно открыт в этот день. По идее архитектора Хушгена Сайхуна купол мавзолея держится на 12 колоннах, олицетворяющих 12 известных тогда наук, которыми Абу Али Хусайн ибн Сино владел в совершенстве.

Великий шведский натуралист и первый президент Шведской Академии наук Карл Линней (1707 – 1778), учитывая заслуги и в знак бессмертия его идей и славы в области науки, назвал род вечнозеленого тропического растения семейства Акантовых, именем Хакима аль-Вазира (Князь хакимов) – Авиценния. Авиценния морская (лат. *Avicennia marina*), известная как одна из немногих разновидностей мангровых деревьев, относящихся к роду Авиценния семейства Акантовых. Ранее данный вид относили к семейству Вербеновые, или выделяли в собственное семейство *Avicenniaceae*. Этот вид способен приспособиться к экстремальным погодным и климатическим условиям, различным вредителям и болезням.

Одна из малых планет Вселенной (астероид – 2755 Avicenna) открыта 26 сентября 1973 года астрономом Л. И. Черных названа именем бессмертного великого мыслителя – ибн Сино.

Кратер «Авиценна» находящийся на обратной стороне Луны (диаметр 72,99 км глубина 27,7 м) получил свое название тоже в честь средневекового ученого астронома, философа и врача-вателя Авиценны и утверждения Международным астрономическим союзом в 1970 г. В 2006 году горная вершина (высота 7134 м) на Памире, переименована и названа именем Авиценны.

Пока еще недостаточно исследована иллюстрация к поэме «Божественной комедии» Данте, где Авиценна сидит в центре между величественными врачами античности Гиппократом и Галеном, причем в отличие от двух других у него на голове изображена корона («Король врачей»). По содержанию рисунок имеет исключительное историческое и художественное значение.

Известному иранскому ученому, академику Саиду Нафиси удалось сфотографировать череп Авиценны в двух проекциях. Академик В. Терновский, анатом и авиценовед, ознакомившись с фотографиями Саида Нафиси, получил копии. По просьбе В. Терновского знаменитый антрополог, историк и скульптор М. Герасимов воссоздал облик Ибн Сино. По поводу герасимовского скульптурного изображения В. Терновский писал: «Спокойным, сосредоточенным и мудрым предстает перед нами Ибн Сино. В его лице не заметно никаких монголоидных черт. Наоборот, общий характер его строения близок к лицам европеоидного типа Среднеазиатского междуречья – лицам типичных арийцев».

Позднее авторским коллективом из Анджанского медицинского института в составе профессора Ю. Атабекова, доцента Ш. Хамидуллина и скульптора Е. Соколовой на основе документального графического изображения профиля Авиценны, сделанного М. Герасимовым, и в результате дальнейших разработок воссоздано скульптурное изображение Ибн Сино в виде бюста.

В Иране художник Мухаммад Садики воссоздал портрет Авиценны, признанный официальным образом ученого в дни его юбилея в Иране. Эта картина получила большую известность, особенно в странах Европы.

Широко отмечалось 1000-летний юбилей великого ученого во всех странах мира. Золотая медаль имени Авиценны, учрежденная ЮНЕСКО в 1980 г., в апреле 1996 года присуждена Первому Президенту Республики Узбекистан Исламу Каримову за вклад в развитие национальной культуры, сохранение культурно-исторических памятников и укрепление сотрудничества с ЮНЕСКО.

Исполнительным советом ЮНЕСКО в 2003 году по инициативе Исламской Республики Иран учреждена международная премия имени Абу Али Хусайн ибн Сино (Авиценна) в связи с его 1000-летним юбилеем. Идея учреждения данной премии вызвана озабоченностью за судьбу человечества в результате воздействия на его моральные ценности, генетику и иммунную систему. Награждаются каждые два года ученые или коллективы, добившиеся наиболее значимых результатов в сфере этическо-



го осмысления последних достижений в науке и технике. Лауреату вручаются премия и золотая медаль имени Авиценны.

Созданная в 2003 году ассоциация «Авиценна – Франция» сделала своей целью сохранение творческого наследия Хусайна ибн Абдуллы ибн Сино (Авиценна). Ассоциация регулярно организует семинары, конференции и поездки с целью распространения мысли Авиценны во Франции и в Европе.

В 1999 году в Республике Узбекистан, в городе Ташкенте был создан Международный фонд «Ибн Сино – Авиценна» с филиалами в областях. Учреждена стипендия имени Хусайн ибн Сино (Авиценна) для студентов Ташкентского медицинского педиатрического института.

Первые в 1937 году, спустя девяносто лет после смерти Ибн Сино, в Турции проведен большой праздник в честь великого хакима и в городе Анкаре был установлен прекрасный памятник Абу Али Хусайн ибн Сино. В Таджикистане учреждены Республиканская государственная премия имени Ибн Сино в области науки и техники, а также стипендии имени Авиценны для студентов и аспирантов Таджикского медицинского университета. Фотография Хусайн ибн Абдулла ибн Сино изображена в денежной купюре («Бист Сомони») Таджикистана.

Тысячелетний юбилей великого ученого встречали как большой праздник медицинской науки и как веху в истории развития медицины во многих странах мира, выпускались почтовые марки и конверты, посвященные Авиценне.

Хусайн ибн Абдулла ибн Сино (Авиценна) был прежде всего человек живого труда и честного дела. Это красной нитью проходит через всю его жизнь. В медицинское дело и знания он вкладывал всю свою громадную энергию, всю свою великую душу. Он всюду вносил что-либо новое, оригинальное и оставил неизгладимый след своей энциклопедической деятельностью.

Память о замечательном, доброжелательном, мудром ученом-естествоиспытателе, энциклопедисте средневековья навсегда останется в памяти народов мира. Он дорог прогрессивным людям мира и принадлежит всему человечеству.

Исроил ИСМОИЛОВ,
Городская детская
клиническая больница
№1 г. Ташкента, врач,
заведующий кабинетом
медицинской статистики.

Ибн Сино таваллудига бағишланади

БАРҲАЁТДИР У, КЕНГ ОЛАМ МАКОНЛАРДА!

Ассалому алайкум меҳри дарё азизлар, Оташнафас олимлар, эй сухани лазизлар! Сизга салом, эҳтиром, энг олий улуг калом, Бизга сиздек табаррук, буюк файласуф бобом,

Ибн Сино Ватани – ой, қуёшли макондан, Ўзбекистон аталмиш жаннатмисол бустондан! Шайх-ур-раис биласиз, Афшонда туғилган, Бухорои шарифда илм ила йўрилган.

Кўп ўқиган, хўб ўққан, машаққат-ла чиниққан, Айниқса табобатда донг таратиб, куч йиққан, Табибларнинг табиби, ҳабибларнинг ҳабиби, Зиёқору фидокор, адабларнинг адаби!

Унинг кузатишча, ҳар бир одам ўзга, хос, Ўзжудиди совуқлик, иссиқликка бор миқоз. Бир кишининг миқозини бошқасига келмас мос. Амирга берган дори келтирса наф, эҳтирос,

Зиёдининг ичгани-чи, акс таъсир кўрсатар, Бу муаммо табибин умр бўйи ўйларар. Шунга кўра, касаллик турлари ҳам бошқача, Хилма-хилдир, турфадири оёқдан то бошгача,

Кўз оғриғи, юракнинг санчишидан қошгача, Хомиладор аёлми, кексамидир ёшгача. Даволашнинг ҳар доим бор ўз йўли-йўриғи, Бўлганидек норининг ҳам суюғи, қуруғи.

Бизда таом подшоҳи-ош, паловхон тўрадири, Бирма-бир, минг синчиқлаб, элаклардан айтишган. Ёғли қазини-қарталар барчага тенг ёқмайди, Агарда шу бўлмаса таом тотли чиқмайди.

Бу таомни еганининг тани-жони дармонда, Тотмаганлар ўтишар минг афсус, минг армонда. Ибн Сино ҳақида ривоятлар тўкишган, Давраларда фахрла тақрор-тақрор ўқишган.

Эмишки, улуг зотлар, ундан даво топишган, Иззат-хурмат кўрсатиб, тасаннолар айтишган. Лекин табиб ҳеч қачон ғурурланиб кетмаган, Билмаганини билгунча ўз аҳдидан қайтмаган.

Одамлар, жонзотларда тажрибалар ўтказиб, Бирма-бир, минг синчиқлаб, элаклардан ўтказиб, Турфа ғиёх, ўтлар-ла чин юракдан диллашиб, Ўз тилида юзма-юз, ҳасратлашиб, тиллашиб,

Тиббиётнинг сирларини излаган, топган албат, Лекин ажал туғунин ечолмаган у фақат. Барча топган-тутгани бир бутун олам бўлган, Мавжудотнинг неъматини – Ҳазрати одам бўлган.

Иймони бут инсонга бўлса омад, бахт ҳамроҳ, Иймони суст кимсалар чеккан азоб, фарёд, оҳ! Соф ҳаво, сув қадрига етган мақсад-муродга, Уни қилган хору зор қолган уят, иснодга!

Инсон борки, ҳаётда куй, қўшиққа шерикдир, Ўйин-кулги, қаҳқаҳа, яхшилик-ла тирикдир! Кўнгли бўлса шод, хуррам, қилса ҳазар ҳаромдан, Топса хузур-ҳаловат еб-ичгани таомдан

Яшар узок, соғ, бардам, мардона ташлар қадам, Дер эканлар, бобомиз суҳбатларда дам-бадам. Хуллас, олим ишлари жамланган девонларда, "Тиб қонуни" тарқалган Фарбу Шарқ томонларда,

"Уржуза"лар янраган не-не тил, лисонларда, Асарлари қўлма-қўл, жилд бўлган жавонларда, Устозимиз руҳи шод бизнинг ҳам замонларда, Демак барҳаётдир у, кенг олам маконларда!

Тиббиёт аслида, Мадади Сино демак, Дардларга дори, малҳам, дармону даво демак, Инсон тани-жонига шифобахш зиё демак, Оромижон куй, ғазал, шашмақом, наво демак!

Искандар Раҳмоннинг юрағида бир тилак: – Тинчлик бўлсин жаҳонда! Бизга бошқа не керак! Омон бўлинг азизлар, хайр соғ кўришгунча, Учрашганда доимо кўкси тоғ кўришгунча!

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Давра суҳбати

СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Яқинда Тошкент шаҳар аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ҳамда Ўзбекистон "Миллий тиклиниш" демократик партияси Яшнобод туман Кенгаши томонидан "Соғлом оила-соғлом жамият" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фар-

ри узилиб, ўғил-қизлар енгил-елпи ҳаётга ружу қўйиб, "оммавий маданият" чангалига илиниши кузатилмоқда. Бугун миллий қадрият сифатида улуғланган оилани мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ёшларни диний

ёрлаш борасида қилинаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимизда ёш оилалар ўртасида ажримлар сони ошиб бормоқда, – дейди ЎзМТДП Яшнобод туман Кенгаши депутати, туман ФХДБ бўлими мудираси Зулайхо Камалходжаева. – Кўриниб турибдики, бу борадаги саъй-ҳаракатларни қайтадан танқидий руҳда кўриб чиқишимиз, мажлисбозлик, ўзгаларга кўз-кўз қилиш мақсадида ташкил

кунда энг асосий ва долзарб мавзуга айланиб бормоқда, – дейди Тошкент шаҳар аҳоли репродуктив саломатлиги маркази директори Дилором Воҳидова. – Бу борада давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган барча меъёрий ҳужжатларда аҳоли саломатлиги йўлида бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

даниятни юксалтиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бўлажак онанинг қачон ва қандай шароитларда она бўлишни назорат қилиш, унинг ва туғилажак фарзанднинг ҳам саломатлиги учун керакли шарт-шароитларни яратиш бўйича тушунтириш берилмоқда. Бунда асосий эътибор оила фаровонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукми суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларнинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш назарда тутилади. Бўлажак ота-оналарнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишни барча таълим муассасаларида кенг қўламда амалга ошириш керак. Марказимиз мутахассислари томонидан умумтаълим мактаби, академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари орасида репродуктив саломатлиги мавзуларида маърузалар қилиниб, тушунтириш берилмоқда. Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаларида бехатар оналик, замонавий контрацептив воситаларнинг қўлланилиши, соғлом турмуш тарзи, аёллар жинсий аъзолари саратон касалликларининг олдини олиш борасида ўқув семинарлари ва тарғибот ишлари ўтказилляпти. Бугунги ҳамкорликда ўтказилган тадбир ушбу ишларимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади, десам муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, соғлом ота-онадан соғлом бола дунёга келади. Баркамол фарзанд эса юрт равнақи, тараққиётга ўз ҳиссасини қўшади. Демак, соғлом жамиятни яратиш, энг аввало, соғлом болани тарбия қилишдан бошланади.

Жонибек МАЪРУПОВ,
Жасур ЖАЛИЛОВ олган суратлар.



мони ҳамда "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижро юзасидан ўтказилган маъруза тадбирлари тўғрисида"ги Фар-

ри узилиб, ўғил-қизлар енгил-елпи ҳаётга ружу қўйиб, "оммавий маданият" чангалига илиниши кузатилмоқда. Бугун миллий қадрият сифатида улуғланган оилани мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ёшларни диний ёрлаш борасида қилинаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимизда ёш оилалар ўртасида ажримлар сони ошиб бормоқда, – дейди ЎзМТДП Яшнобод туман Кенгаши депутати, туман ФХДБ бўлими мудираси Зулайхо Камалходжаева. – Кўриниб турибдики, бу борадаги саъй-ҳаракатларни қайтадан танқидий руҳда кўриб чиқишимиз, мажлисбозлик, ўзгаларга кўз-кўз қилиш мақсадида ташкил

кунда энг асосий ва долзарб мавзуга айланиб бормоқда, – дейди Тошкент шаҳар аҳоли репродуктив саломатлиги маркази директори Дилором Воҳидова. – Бу борада давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган барча меъёрий ҳужжатларда аҳоли саломатлиги йўлида бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

Дарҳақиқат, оила шундай маконки, унда жамият шаклланади, ҳаёт давомийлигини асровчи шахслар тарбияланади. Шу боис, фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайишида оиладаги шахсларнинг аҳилиги ва тотувлиги муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, баъзан айрим оилаларда аҳиллик занжи-

ри узилиб, ўғил-қизлар енгил-елпи ҳаётга ружу қўйиб, "оммавий маданият" чангалига илиниши кузатилмоқда. Бугун миллий қадрият сифатида улуғланган оилани мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ёшларни диний

ёрлаш борасида қилинаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимизда ёш оилалар ўртасида ажримлар сони ошиб бормоқда, – дейди ЎзМТДП Яшнобод туман Кенгаши депутати, туман ФХДБ бўлими мудираси Зулайхо Камалходжаева. – Кўриниб турибдики, бу борадаги саъй-ҳаракатларни қайтадан танқидий руҳда кўриб чиқишимиз, мажлисбозлик, ўзгаларга кўз-кўз қилиш мақсадида ташкил

Тиббиёт бирлашмалари, пенсия жамғармалари, бандликка қўмақлашчи марказлари билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар соғлигини, уларни ўз меҳнат жамоасига, соғлом одамлар сафига қайтариш борасида мамлакатимизда хайри ишлар қилинмоқда. Жамоамиз томонидан олиб борилаётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Уларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилиб,

МАҚСАДИМИЗ ЭЗГУ

реабилитация техник воситалари ва протез ортопедик маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари қондириб келинмоқда. Сўнги пайларда хасталанган беморлар сони бироз бўлса ҳам ортиб бормоқда. Бунга аввало фуқароларимизнинг ўз соғлиқларига эътиборсизлик билан қарашлари сабаб бўлмоқда. Чунки ҳар бир киши йил даво-

мида диспансер назоратидан ўтиб турсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Мустақиллик йилларида республикамиз тиббиёт тизимини давомлаштиришга эзгу мақсадли ишларнинг барчаси юксак ва унинг манфаатлари, қолвераси турмуш фаровонлигига қаратилган. Бугунги кунда юртимизнинг қайси гўшасига борманг, аҳоли-

га кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматнинг гувоҳи бўласиз.

Комиссия аъзолари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ноғиронлиги бўлган шахслар ва беморлар эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ғайрат УСМОНОВ,
Қарши туманлараро 35-сонли
ТМЭК раиси.

Мутахассис огоҳлантиради

САРАТОН РИВОЖЛАНИШИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Кейинги йилларда бутун дунё бўйича саратон касаллиги кўрсаткичларининг ошиб бораётганлиги соҳа мутахассисларини ташвишга солмоқда. Шундай экан, ҳозирги кунда хавфли ўсма касалликларнинг 200 дан ортқ тури мавжуд бўлиб, саратон ҳар қандай аъзо, тўқима ва ҳужайрада ривожланиши мумкин. Шунингдек, қайси тўқима ва аъзодан ривожланганлигига қараб, касалликнинг хос клиник белгилари намоён бўлади.

Саратон ривожланишининг сабаблари турли бўлиб, шартли равишда икки тоифага бўлинади: ташқи ва ички (генетик) омиллар. Касалликнинг генетик омиллари қасд қилинганда ўзгаришлар сабабли юзага келган генетик мутацияларни киритиш мумкин. Ташқи омиллар саратоннинг қайси аъзодан ривожланганлигига боғлиқ. Касаллик ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар тўлиқ ўрганиб чиқилгандагина, унинг олдини олишга эришилади. Ташқи муҳит омиллари ҳам шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- Саратон ривожланиши хавфини оширувчи омиллар:

- тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш;
- инфекциялар;
- радиация;
- аъзо трансплантациясидан кейинги иммуносупрессив препаратлар.

- Саратон ривожланишига таъсир қилувчи омиллар:

- нотўғри овқатланиш;

- алкоголь маҳсулотлари;
- семизлик;
- атроф-муҳит омиллари.

Тамаки маҳсулотларини чекиш (сигарета, нос) – ўткир лейкоз, ковуқ, қизилўнғач ва меъда, буйрак, ўпка, оғиз бўшлиғи ва меъда ости бези саратони каби касалликлар ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Агар ушбу зарарли одатдан воз кечилса хавфли ўсма касалликлари ривожланиши камайди. АҚШ олимларининг таъкидлашича, 30 фоиз ўлим кўрсаткичи айнан тамаки чекиш билан боғлиқ экан. Мазлум бир вирус ва бактериялар каби инфекциядан омиллар ҳам саратон ривожланишига сабаб бўлади. Ривожланган давлатларга нисбатан, ривожланаётган давлатларда ушбу инфекциядан агентлар кўпроқ саратоннинг кўпайишига олиб келмоқда. Инсон папиллома вируси (HPV) жинсий аъзолар ва оғиз бўшлиғи хавфли ўсма касалликларини келтириб чиқариши аниқланган. Гепатитнинг В ва С турлари 95 фоизгача ҳолатларда жигар саратонига олиб келиши исботланган. Эпштейн-Бар вируси лимфомалар ривожланишига сабаб бўлади. Helicobacter pylori деб номланув-

чи бактерия эса меъда саратонига сабаб бўлиши кузатишган. Ҳозирги кунга келиб, гепатитнинг В турига ва инсон папиллома вирусига қарши вакциналар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, саратон касаллигининг келиб чиқиш сабабларидан бири – радиация бўлиб, хасталик ривожланишига унинг икки тури сабаб бўлади. **Биринчи** – қуёш нуридан ультрабинафш нурланиши, тери саратонининг асосий сабабчиси ҳисобланади. **Иккинчи турдаги нурланиш** ионлаштирувчи нурланиш бўлиб, улар тиббиётда рентген, томография, флюорография ва ядровий тиббиёт текширувлари натижасида юзага келади. Бундай диагностика текширишлари тез-тез ўтказиш ва натижада юқори даражадаги нурланиш – лейкомия, калконион без ҳамда сут бези саратони ривожланишига сабаб бўлиши олимлар томонидан исботланган. Ҳаттоки, ушбу аппаратларда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларини касалликлар қалиниш хавфи бор.

Иммуносупрессив дорилар – одамдан одамга аъзо кўчириб ўтказилган аъзонинг рад этилишига қарши иммунитетни камайтириш мақсадида қўлланилади. Бундай дорилар ишлатилганда организмнинг саратон ривожланишига қарши курашувчанлигини сустайтириб, касаллик ривожланиши эҳтимолини кучайтиради. Ҳозирги кунда олимлар томонидан овқатланиш, яъни

қундалик истеъмол қилинадиган овқат маҳсулотлари таркибиде саратонга сабаб бўлувчи ёки аксинча, саратонга қарши курашишда ёрдам берувчи маҳсулотлар бўлиши мумкинлиги ўрганилмоқда. Шундай бўлишига қарама-қарсидан, баъзи тадқиқотлар мева ва крахмалга бой бўлмаган сабзавотлар оғиз бўшлиғи, қизилўнғач ва меъда саратонидан ҳимоя қилиши мумкинлигини кўрсатади. Бошқа изланишлар натижасида ёғга бой, юқори калорияли овқат маҳсулотлари ва қизил гўшт йўғон ичак саратони ривожланишига сабаб бўлиши аниқланган. **Жисмонан** фаол бўлган шахсларда саратон касаллиги кам учраши кузатишган. Айниқса, аёлларда эстроген гормони сут бези ва бачадон саратони ривожланишига сабаб бўлувчи омил ҳисобланади, жисмоний фаоллик натижасида қонда эстроген гормонининг камайиши, касаллик ривожланиши камайтиради. Бундан ташқари, жисмоний фаол шахсларда йўғон ичак саратони кам учраши исботланган. **Ортиқча** ва саратон орасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, лекин

ҳозиргача унинг қандай қилиб касаллик ривожланишига сабаб бўлиши тўлиқ ўрганилмаган. Тадқиқотларга қўра, саратоннинг кўпгина турлари, айнан семизликка чалинган инсонларда кўп учраши аниқланган. Буларга мисол тарихида – сут бези (аёлларда менопаузадан кейин), бачадон, қизилўнғач ва меъда, ичак, жигар, буйрак, туҳумдонлар саратони ҳамда миелом касаллиги ва менингиома малаари келтириш мумкин. Таъкидлаш мумкин, семизлик билан бирга энг кўп тарқалган икки турдаги саратонни – сут бези саратони ва ичак саратонини ўз ичига олади. **Атроф муҳит** ва ҳавонинг ифлосланиши натижасида ҳам баъзи бир саратон касалликлари келиб чиқиши аниқланган. Жумладан, атроф муҳит ва ҳавонинг тамаки тутини, асбест, кварц, эри тувлар, дизел мойи қичқиндиси, қўмир маҳсулотлари, бўёк ёки ёғоч чанглари билан ифлосланиши, ҳавода радон газининг мавжудлиги – ўпка, мезотелиома, молялар саратони каби касалликлари ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни ошириш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ҳамда атроф муҳитни тозаланиши таъминлаш саратон касалликларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Мансур ДОСЧАНОВ,
Республика ихтисослаштирилган
Онкология ва радиология илмий-амалий
тиббиёт маркази абдоминал бўлими мутахассиси.

Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

КАСАЛЛИКНИ ЎЗ ВАҚТИДА АНИҚЛАШ ЗАРУР


Меъда ости бези қорин бўшлиғининг орқа томонидан 1-2 бел умуртқалари қаршисида, меъданинг орқасида қундаланг ҳолатда ётади. Бу без катталиги бўйича жигардан сўнг иккинчи ўринда туради. Безининг узунлиги 16-22 см, кенлиги 3-8 см, қалинлиги 2-3 см, оғирлиги 70-90 грамм бўлиб, уч қисмдан (бош, тана ва дум қисмидан) иборат. Меъда ости бези ўзининг тузилишига қўра мураккаб, ишлаб чиқарадиган маҳсулот жиҳатидан аралаш безларга қиради. У ҳазм аъзолари тизимига қўядиган ширасидан ташқари, инсулин деган гармонни ҳам ишлаб чиқаради ва уни тўғридан-тўғри қонга қўшиб туради. Инсулин без таркибидеги махсус қисмларда (Лангерганс оролчаларида) ишланади. Ушбу инсулин тўғридан организмда қанд миқдори бир меъёрида сақланиб туради. Инсулин ишлаб чиқарилишининг камайиши қандли диабет касаллигига сабаб бўлади.

Меъда ости бези ўсмалари гистология ва клиник ҳусусиятига қараб хавфли ва хавфсиз ўсмага ажратилади. Меъда ости бези хавфли ўсмалари саратон касаллиги деб юритилади. Овқат ҳазм қилиш аъзолари саратони касалликлари ичиде меъда ости бези саратони 10,4 фоизни ташкил этади ва тўртинчи ўринда туради. Меъда ости бези саратонининг 10 дан ортқ тури мавжуд бўлиб, эндокрин ва эзокрин ўсмага бўлинади. Меъда ости бези саратони кўп миқдорда тамаки маҳсулотларини, юқори калорияли овқатларни кўп истеъмол қилувчи, алюминий корхоналари ва бензолкончаларда, химиявий ишлаб чиқариш, қуруқ химикатка, мотор ва автомобиль ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, тамаки, терисозлик, пойфал, бензин индустрияси, тамга ишлаб чиқариш, қозғ қомбинати, резина, текстиль ва ёғочсозлик корхоналарида иш-

ловчиларда тўрт баробаргача кўп учрайди. **Ундан ташқари, 5 хил модда:** органик бўёқ ва чанг, ёғоч чанги, симоб ва бензол меъда ости бези саратонини келиб чиқишига кўп миқдорда туртки бўлади. Қандли диабет, сурункали панкреатит ва сурункали вирусли гепатит билан оғриганларда касаллик кўрсаткичи 2-3 маротаба ортқ. Олимларнинг охириги текширувларида саратон касаллигининг келиб чиқишида ирсий мойиллик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда. Ирсий мойиллиги бўлган инсонларда ички ва ташқи омилларнинг таъсирида ҳужайра ядросида жойлашган 23 нафар хромосома генларидаги патология ўзгаришлар, яъни мутация натижасида саратон ҳужайралари пайдо бўлади деган хулосага келмоқдалар. Меъда ости бези саратони меъда ости бези боз қисмида 63,8 фоиз, тана қисмида 23,1 фоиз ва дум қисмида 7,2 фоиз миқдорда учрайди.

Меъда ости безида ўсма пайдо бўлиб, катталаша бошлайди ва беморда ички захарланиш натижасида иштаҳа пасайиши, умумий ҳолсизлик, озиш, камқонлик ва қоринда қучисз оғрик пайдо бўлади. Аксарият ҳолатда беморлар бу белгиларга эътибор бермай, шифокорга ўз вақтида мурожаат қилмайдилар. Ўсма катталашган сари беморда оғрикларнинг кучайиши ва оғрикларнинг бел соҳасига тарқалиши кузатилади. Ўсма ривожланишида давом этади ва умумий ўт йўлига ўсиб ўтади, ҳамда беморда сариқлик белгилари: тери ва шиллик қаватларнинг сарғайиши, терида қичишлар, пешоб рангининг қизариши ва ахлат рангининг оқариши кузатилади. Касалликнинг ушбу белгилари беморларни биринчи навбатда юқумли касалликлар шифокорига мурожаат қилишига сабаб бўлади. Беморга ўтказилган оддий ультратовуш текширувида ўт йўлининг кенгайганлиги, ўт қоғи ҳажмининг катталашганлиги ва меъда ости бези боз қисмида ўсма борлиги аниқланган, онколог шифокорига мурожаат қилиш тавсия этилади. Ташхисни янада ойдинлаштириш мақсадида беморга қорин бўшлиғи аъзолари компьютер томографияси ўтказилиб, ўсмининг тарқалиш даражалари аниқланади. Меъда ости бези ўсма касалликларини даволашнинг асосий услуби жаррохлик амалёти ҳисобланади. Операция мураккаблиги сабабли, ушбу амалёتلар махсус ихтисослаштирилган клиникаларда малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Меъда ости бези ўсма касалликлар-



нинг олдини олиш учун меъёрида овқатланиш, зарарли одатлардан воз кечиш, меъда ости безининг сурункали касалликларини ўз вақтида даволаш ҳамда ҳар хил зарарли қимёвий моддалар билан ишловчи корхоналарда белгиланган техника ҳавфсизлик чораларига амал қилиш тавсия этилади.

Меъда ости бези ўсма касалликларини ўз вақтида аниқлаш учун ҳар 6 ойда қорин бўшлиғи аъзоларини ультратовуш текширувидан ўтиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Юсуф ЯКУБОВ,
Республика ихтисослаштирилган
Онкология ва радиология
илмий-амалий тиббиёт маркази
абдоминал бўлими етакчи
мутахассиси, т.ф.н.

Ҳозирги кунда ногиронлик гуруҳини белгилашда меҳнат лаёқати эмас, балки ҳаёт фаолиятининг чекланиши асос қилиб олиниши ногиронлиги бўлган шахснинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишининг яна бир афқол намунаси. ТМҚХ ходимлари асосий эътиборларини даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий ҳужжатлар асосида фуқаронинг касаллик тўғрисида ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги даражасини, ногиронлик гуруҳи

ИЖТИМОЙ МЕХНАТГА ҚАЙТАРИШ

ва муддатларини аниқлаш билан бирга, уларнинг тиббий-ижтимоий ёрдамнинг қайси турига муҳтожлигини ҳам аниқлайдилар. Ушбу комиссияларнинг асосий иш йўналиши бу беморларнинг даволаш ишларини назорат қилиш ва шу орқали худудида ногиронлиқни камайтиришдан иборатдир.

Шунингдек, комиссия ходимлари ўз

иш фаолиятида қишлоқларда оғир ётган бемор ва ногиронлиги бўлганларни тиббий қуридан ўтказиш мақсадида жойларга бориб, сайёр кўрик ўтказиб, уларга тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатмоқдалар. Тушунтириш ишларини кучайтириш, ногиронлиги бўлган шахслар ва беморларнинг эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йи-

гинларида тадбирлар ўтказиш анча кўпайтирилди.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларнинг саломатлигини тиклаш, уларни касби ва меҳнат жамоаси шунингдек, соғлом одамлар сафига қайтаришдан иборатдир.

Ўқтам НАМАЗОВ,
Қашқадарё вилояти 39-сонли
ТМҚХ раиси.

Сфера здравоохранения

ВЕРНУТЬ ЧЕЛОВЕКА К ПОЛНОЦЕННОЙ ЖИЗНИ

В ходе осуществляемых реформ в сфере здравоохранения особое внимание уделяется улучшению качества и уровня жизни лиц с инвалидностью, оказанию им медико-социальной помощи, содействию в реализации прав, свобод и законных интересов, формированию активной позиции в обществе.

Важным шагом в этом деле явился Указ Президента страны от 1 декабря 2017 года "О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью". На основании данного документа, а также в соответствии с задачами, определенными Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах в стране осуществляются практически все меры по подготовке к ратификации Конвенции ООН о правах инвалидов. Делаются реальные шаги по имплементации в национальное законодательство общепризнанных международных норм и стандартов в области обеспечения прав лиц с инвалидностью, внедряются современные методы врачебно-трудовой экспертизы. Повышается качество медико-социальной помощи, расширяется доступ к современным методам диагностики, лечения и реабилитации.

Мы делаем все необходимое для совершенствования нашей деятельности, модернизации, укрепления материально-технической базы и подготовки кадров, – рассказывает руководитель Национального центра реабилитации и протезирования инвалидов (НЦРПИ) Аскар Муминов. – Это служит раннему выявлению и предупреждению инвалидности, реабилитации лиц с инвалидностью, уменьшению их числа.

В НЦРПИ осуществляются комплексные меры медицинской, психологической, социальной и профессиональной реабилитации, протезирования, оказывается содействие в интеграции в общество. Ежегодно здесь проходят курсы реабилитации около

шесть тысяч человек. Для оказания качественной медико-социальной помощи в структуре центра, рассчитанного на 200 койко-мест созданы терапевтические и неврологические отделения, отделе патологии позвоночника, последствия травм, протезирования и социально-профессиональной реабилитации. Также работают кабинеты функциональной диагностики и физиотерапии, лечебной физкультуры и массажа, операционный блок, компьютерно-

и медицинские работники среднего звена. За последние пять лет ими написано более 20 научно-методических рекомендаций, свыше ста научных статей, тезисов и монографий. Стоит отметить заслуги доктора медицинских наук Алишера Сатторовва, разработавшего и внедрившего передовые методы эндопротезирования, перкутанной вертебропластики, баллонной кифопластики, способы применения транспедикулярных металлоконструкций и эндоскопической дискэктомии.

По заказу Республиканского агентства по науке и технологиям учеными на грантовой основе реализуются две научные работы. В сотрудничестве с Ташкентским институтом легкой и текстильной



мографический и рентген кабинеты, биохимическая лаборатория. Благодаря государственной поддержке за последние годы приобретены компьютерный томограф, эндоскоп, артроскоп, нейрорентгенограф, электроэнцефалограф, спиртограф, аппараты УЗИ и рентгена, большой набор хирургических инструментов, реабилитационные кровати и тренажеры.

На сегодняшний день в НЦРПИ трудятся три доктора и шесть кандидатов медицинских наук, десятки врачей высшей категории

промышленности на грантовой основе реализуется проект по созданию и внедрению методов проектирования спортивной одежды и медико-профилактических предметов для детей и взрослых на основе инновационных технологий создания текстильной продукции из местного сырья.

Врачи НЦРПИ координируют деятельность 10 региональных реабилитационных центров, оказывая им научно-методическую и практическую помощь. Создают специальные программы на госу-



дарственном языке для программного обеспечения. С целью реабилитации инвалидов с недавними и многолетними, осложненными и неосложненными травмами позвоночника ими применяются современные хирургические технологии и стабилизирующие системы ведущих мировых фирм, используются мининвазивные технологии (вертебропластика, кифопластика, нуклеопластика, транспедикулярная фиксация позвоночника, эндоскопия, декомпрессионно-стабилизирующие операции). Лица с инвалидностью (в том числе дети) обучаются правильному использованию протезно-ортопедических изделий и технических средств реабилитации, социально-бытовой адаптации и социально-средовой ориентации. Им оказывается психологическая и правовая консультативная помощь. НЦРПИ успешно используют услуги волонтеров из Японии в области физической реабилитации, что значительно улучшило качество оказываемой помощи инвалидам. Тому примером служат старания молодой представительницы Страны восходящего солнца Муцуми Томиты.

За последние годы более 30 врачей-реабилитологов НЦРПИ повысили свои знания и опыт в

научно-исследовательских центрах и клиниках США, Англии, Германии, Италии, Испании, Швейцарии, Австрии, Польши, Японии, Республики Корея, Китая, Сингапура, Индии, Российской Федерации, Украины, Республики Беларусь, Латвии и в разных клинических кафедрах ТашИУВ. В 2017 – 2018 годах благодаря участию ученых из США, Италии, Франции и России в НЦРПИ проведены операции у больных с патологиями опорно-двигательного аппарата.

– Искренне благодарен специалистам центра за заботу и внимание, – рассказывает 52-летний Екуб Абдураимов из Галларальского района Джизакской области. – Волшебники в белых халатах вернули меня к полноценной жизни. Вот уже более двадцати лет они помогают обрести уверенность в завтрашнем дне, оказывают содействие во всем.

К мнению Абдураимова также присоединилась жительница Избасканского района Андижанской области Сайёра Бегматова. После длительного курса реабилитации она вновь присоединилась к родным и близким, приступила к выполнению служебных обязанностей.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фото автора.

Ибрат

КАСБГА БЎЛГАН МАСЪУЛИЯТ ВА САДОКАТ

Ҳаётим давомида кўп кузатдимки, масъулият бор жойда, албатта, муваффақият бўлади. Халқ дардида дармон бўлиш инсонни фақат эзгуликлар сари етаклайди. Улар нафақат ҳамкасблари, балки халқ орасида ҳам ҳурмат қозонишади. Ана шундай инсонлар бизнинг Ургут туманида ҳам бисёр. Улар Нафиса Одилова, Жамшид Собиров, Сайфиддин Норкулов ва Моҳида Пўлатовадир.

Ургутлик Нафиса Одилованинг фидокорлигига ҳар кун гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг жонқуярлиги, меҳнатсеварлиги ва ширинсўз соҳа ходими бўлгани боис уни туманининг катта-ю кичиги бирдек танийди, ҳурмат қилади. Шифокорлик касбини Ургут туман тиббиёт бирлашмасида бошлаган Нафисахон дом ўз устида ишлаб келмоқда. Тинмай изланиш, малака ошириш

ва масъулиятли ишлаш эса унга касбий баркамоллик туҳфа этди. Шунинг учун бугун туманлараро 61-сон ТМЭКнинг илгор мутахассисларидан бири ҳисобланади. Тиббиётнинг асаб касалликлари йўналишида кўплаб муваффақиятларга эришиб, беморлардаги ушбу хасталикларни бартараф этишда астойдил хизмат қилмоқда. У касбидан бахт топди. Нафисахоннинг турмуш ўртоғи Жамшид

Собиров унга ҳам яқин дўст, ҳам ҳамкасб бўлиб, беморларга соғлом ҳаёт бахш этиб келмоқда. У ҳам ўз касбининг етук мутахассиси ҳисобланиб, кўпчиликни дардан фориғ қилмоқда. Касбига меҳр қўйган бундай тиббиёт ходимларининг борлиги – бу халқимизнинг бахтидир.

Шу билан бирга, ана шундай мураккаб соҳада анча йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган Сайфиддин Норкулов ва Моҳида Пўлатова ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар айни пайтда Ургут туман тиббиёт бирлашмасининг турли бўлимларида фаолият юритиб келишади. Болалигидан шифокорлик касбини эгаллашдан ният қилган бу икки мутахассис мактабни тамомлаган,

хозирги Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга қабул қилинди. Талабалик йилларидан сўнг илк фаолиятини Самарқанд шаҳридаги тиббиёт муассасаларида бошлаб, касалликларни даволаш ва унинг олдини олиш борасида самарали меҳнат қилишди. Сайфиддин Норкулов ҳозирда "Нисбот" ҚВПда фаолият юритиб, аҳоли орасида хасталиклар профилактикасига доир тушунтириш ишларини ҳам олиб бормоқда. Турмуш ўртоғи Моҳидахон эса Ургут туман кўптармоқли тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлимида фаолият олиб бормоқда. Тумандаги аксарият инсон бу икки шифокорлар тўғрисида илқ муносабат билдиради. Халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб

келаётган ушбу шифокорлар қарийб 60 ёшни қарши олаётган бўлса-да, уларнинг эзгу мақсадлари, олдига қўйган режалари бисёр.

Мен ҳам танамга бирор дард кўнса, дарвор уларнинг ёнига чопаман. Нафақат менинг, балки кўплаб инсонларнинг дўсти, саломатлигининг посбони ҳисобланади. Машаққатли ҳамда шарафли соҳа ходимларига миннатдорлик билдириб, ўз касбига бўлган меҳр ва садоқат туйғуларини асло сўнмаслигини тилайман. Оқ халатида ҳеч қачон доғ тушмаслиги, ҳамисида шундай шижоат билан фаолият олиб боришлариغا тилақдошман.

Узоқ ОМОНОВ,
Самарқанд вилояти.

101 хизмати хабар қилади

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛ

Маълумки, аҳоли яшаш ўйлари, кўча майдонлари, шунингдек, масканлар атрофларидаги қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетилиши лозимлигини кўпчилик билсада, унга эътибор қилмасдан осонгина ёқиб юборишни афзал кўрадилар. Оқибатда эса арзимас бўлиб кўринган гулҳанлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқ-

лари ҳамда болалар шўхлиги билан кўчада гугурт ўйнаши туфайли катта талофатларга олиб келувчи ёнгинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ёнгинлар нафақат моддий зарар келтириши, балки атроф муҳит ҳавосини ифлослантириб, инсон саломатлигига таъсир этиши

билан бирга ёнган ўтлар ўрнида қора тусга кирган ёқимсиз манзаранинг пайдо бўлиши киши дилини хира қилади. Бу каби ёнгинлар деярли ҳар кун шайхримизнинг аксарият туманларида содир бўлмоқда.

Масалан, 2018 йил 16 апрель кун Миробод тумани-

нинг Саракул кўчаси 10/4-уй, 2018 йил 19 июнь кун Саракул кўчаси 50/1-уй, 2018 йил 15 июль кун шу кўчанин 3-уйи ва 2018 йил 15 июль кун Қўйлик 1-мавзе 1/1-уй олдларида айнан қуриган ўтларни ёқиб юборилиши натижасида содир бўлган ёнгинлар туфайли

кўнгилсиз ҳолатлар юзага келди. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ўзлари истиқомат қилаётган ўйлари ҳамда масканлар атрофларидаги бундай ҳолатларга бефарқ бўлмасалар, шахримиз қўзаллигини асрашга хизмат қиладилар.

Фарход АБДУЛЛАЕВ,
Миробод туман
ДЭН инспектори,
сержант.

Саломатлик мактаби

Тошкент шаҳри

БУ ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Яқинда Тошкент шаҳар Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидоги марказий кўп тармоқли ҳамда 1, 2, 3-оилавий поликлиникаларда тиббий кўрик бўлиб ўтди. Унда мазкур тиббиёт муассасалари ҳудудидоги Афросиёб, Шароф Рашидов, Лолазор, Фаровон, Минг'урик, Маворуннаҳр, Ат-Термизий, Темирийўлчилар, Биродарлик, Баротхўжа, Парвона, Билимдон, Баёт, Банокотий, Янги-замон, Истиклолобод ва Наврўз маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли саломатлиги тиббий текширувдан ўтказилди.



Марказий кўп тармоқли поликлиникага қарашли 7 та маҳалла, Темирийўлчилар масканида 1-оилавий поликлиника аҳолисининг 2 та маҳалласи, 12-мука мақтабда 2-оилавий поликлиниканинг 5 та маҳалласи, 175-мактабда 3-оилавий поликлиника ҳудудидоги 4 та маҳалла фуқаролари Қўшма қарор ло-

ни сақлаш бош бошқармасидан қийинчилик билан олар эдик. Эндликда эса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан ордери марказий кўп тармоқли поликлиникадан ўз вақтида олапмиз. Аҳолимиз саломатлиги учун гамхўрлик қилаётган Президентимиз ҳамда кўп сонли тиббиёт ходимларига чексиз миннат-

режа асосида оила аъзоларининг ҳаммасига бирдек тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Шунингдек, оиладаги ижтимоий аҳолини ўрганиш баробарида касалликларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Шифокорлар ҳам ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муассаса ҳамда жойларда халқимизга тиббий

ник шифохоналарга йўлланмалар, шунингдек, қолган фуқароларга кўз хасталиклари бўйича керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Айтиб ўтишим жоизки, кўриқдан ўтганлар орасида касалликлар кўрсаткичи камлиги албатта кўриқлардир. Шундай бўлса-да, хар бир фуқаро ўз саломатлигини асраши, вақтида



ййҳасига кўра "Саломатлик мактаби" доирасида ташкил қилинган тадбирда фаол иштирок этдилар.

Марказий кўп тармоқли поликлиникага кириб борар эканмиз, муассаса ташқарисидан бир гуруҳ аҳоли ташкил этилган кутубхонадаги китобларни харид қилаётганлигига кўзимиз тушди. Улар орасида Иноқобод 1-проезд 17-уйда истиқомат қилувчи Иброҳим Дўстов оммавий ахборот воситаларидан эканлигимизни билиб, бизга мурожаат қилди.

Аввало, бундай тиббий кўриқлардан жуда мамнунмиз. Поликлиникамиз замонавий, шунингдек, энг сўнгги русумдаги аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган. Бугунги тадбирнинг ҳам кенг тарзда ўтказилаётганлиги фуқаролар учун барча шароитларнинг муҳайёлиги тўғрисида шифокорлар кўригидан ҳеч қандай қийинчиликларисиз ўтдик. Муассаса ичкарисига кираришида фитобар хизмати, ҳамшираларнинг хушмуомалалик билан шифокор қабулига йўллаётганлиги янада кайфиятимизни кўтарди. Кардиолог, офтальмолог, эндокринолог, стоматолог, терапевт, невропатолог каби мутахассислар кўриги ҳамда УТТ, ЭКГ ва бир қанча янги тиббий технологиялар текширувдан ўтдим. Саломатлигимда жиддий ўзгаришлар бўлмасида, ёшимни ҳисобга олганда тиббиёт ходимлари кўригидан ўз вақтида ўтиб туришимиз лозимлигини айтишди. Шу ўринда эътироф этмоқчиманки, стационар даволаниш учун имтиёзли йўлланмаларни (ордер) олдинлари Тошкент шаҳар соғлиқ-

дорлик билдираман. Ана шундай инсонлари қадр топган юрда яшаётганлигимдан фахрланаман.

Севара АСОМОВА,
Шароф Рашидов номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– Ҳудудимизда 2818 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 60 фоизи қарияларни ташкил этади. Дуода гап кўп деганларидек, истиқлолимизга шукроналик келтирётган отахону онахонларимиз хонадонларида бўлганимизда улар Юртбошимиз томонидан кексаларга яратилаётган шароит ва имкониятлардан мамнун эканликларини изҳор этмоқдалар. Шунингдек, оилаларга кириб бораётган патронаж ҳамширалари меҳнатидан ҳам хурсандлар. Бу борада Қўшма қарорнинг қабул қилиниши тиббиёт муассасаси, маҳалла, мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликдаги фаолиятларимиз ўз самарасини бермоқда. Маҳалла фаолларимиз ушбу ишларда бош бўлиб, белгиланган вақт кўриқларида хонадонлардаги оила аъзоларининг саломатлигидан хабардор бўлмоқдалар. Айниқса, аҳоли орасида меҳр-оқибат кучайиб, ўз соғлиғига бўлган эътибори ошмоқда. Шу билан бирга, ёш оилалар ва ўсиб келаётган авлодга намуна бўлиб, имкон даражасида ватанимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилишга тайёрмиз.

Саодат МУРАТОВА,
Миробод туман тиббиёт бирлашмасининг бош шифокор ўринбосари:

– Мазкур чуқурлаштирилган тиббий кўриқда марказий кўп тармоқли, 1-2-3-оилавий поликлиникалардан 17 та маҳалла аҳолиси иштирок этди. Тадбирда ма-

ёрдан кўрсатмоқдалар. Таъкидлаш муҳимики, бу каби эзгу ишлар халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилишда хар биримиздан масъулият, малака ва ҳушёрликни талаб этади. Бунинг учун давлатимиз томонидан қабул қилинаётган соҳага оид ҳужжатларни бекаму-кўст бажариш тиббиёт ходимларининг устувор вазифаси эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Наргиза ХОЛМУҲАМЕДОВА,
1-оилавий поликлиника бош шифокори:

– Ушбу кўриқда муассасамиз ҳудудига "Темирийўлчилар" ва "Биродарлик" маҳаллаларининг 663 нафар фуқаролари иштирок этди. Улардан 156 нафари аёл, 122 нафари эркак ва 85 нафари болалар бўлиб, малакали мутахассислар томонидан кўриқдан ўтказилди. Натижаларга кўра аҳоли орасида камқонлик, қандли диабет, гипертония, бўқок каби касалликлар борлиги аниқланиб, улар жойида қон таҳлиллари топширишди. Бундан ташқари, УТТ ва ЭКГ аппаратлари текширувдан ўтказилди. Шифокор ва ҳамширалар парваришига муҳтож бўлган оилаларда бўлиб, ўша ерни ўзида тиббий ёрдам кўрсатишди. Бундай тиббий кўриқларнинг узвийлиги аҳоли орасида касаллик кўрсаткичларини камайтириш, эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулқар АБУЛҚОСИМОВА,
Марказий кўп тармоқли поликлиниканинг врач-офтальмологи:

– Бундай оммавий тарздаги кўриқлар аҳолини кенг қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Қабулимизга мурожаат қилиб кел-

тиббий кўриқдан ўтиб туриши мақсадга мувофиқдир.

Назира МАМЕТОВА,
Марказий кўп тармоқли поликлиника патронаж ҳамшираси:

– Ҳамширалик касбини танлаганимдан фарвланаман. Бир неча йилдирки, мазкур муассасада ишлаб келмоқдаман. Утган давр мобайнида тажрибам ошган сайин, шунингдек, аҳолини менга бўлган ишончи ошганлигини кўриб, янада ғайрат билан хизмат қилишга ҳаракат қилмоқдаман. Эътироф этмоқчиманки, Президентимиз ҳамширалик фаолиятига эътибор қаратиб, меҳнатимизни хар томонлама қўллаб-қувватлаётганликлари боис, ишлаганимиз ва малакамизни бойитиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Қўшма қарор доирасидаги "Саломатлик мактаби"ни ривожландириш, аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб бориш ва мақсадли патронаж билан тўлиқ қамраб олишдаги ишларимиз учун Миробод туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ташаккурнома билан тақдирландим. Албатта, халқим саломатлиги учун астойдил хизмат қилишни касбий бурчим, деб биламан.

Бўлиб ўтган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тасарруфидоги Қўшма қарор ижросини таъминлашда Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари бўйича мониторинг гуруҳи раҳбари Саодат Ҳамидова ва гуруҳнинг масъул ходими Нилуфар Рўзиевалар қатнашди.

Ибодат СОАТОВА,
Муаллиф олган суратлар.

Газетанинг навбатдаги сони 2018 йил 31 август куни чоп этилади.

Газета
муассаси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 2814 нусха.
Буюртма Г-837.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ, Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Басмахонага топшириш вақти – 20.00.